



ISSN (E): 2181-4570

БЎЛҒУСИ ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА АНИҚ ВА РЕАЛ МАҚСАДГА ЙЎНАЛГАН АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Фарғона давлат университети чет тиллари факултети ўқитувчиси
Жураева Гулмира

Аннотация: Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида аниқ ва реал мақсадга йўналган ахборот маданиятини шакллантириш эҳтиёж, қизиқиш, шарт - шароит уйғунлигига асосланади.

Калит сўзлар: маданият, эҳтиёж, қизиқиш, шарт - шароит уйғунлиги, дунёқараш, ёт ғоя, муҳит, саводхонлик.


Annotation: Formation of information culture aimed at a specific and realistic goal in future foreign language teachers is based on a combination of needs, interests, and conditions.

Key words: Culture, need, interest, harmony of conditions, worldview, foreign idea, environment, literacy.

Аннотация: Формирование ориентированной на конкретные и реальные цели информационной культуры у будущих учителей иностранного языка основано на сочетании потребностей, интересов и условий.

Ключевые слова: Культура, потребность, интерес, гармония условий, мировоззрение, иностранная идея, окружающая среда, грамотность.

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантириш узлуксиз жараён бўлиб, у яқин, ўрта ва узок муддатли мақсадларни қамраб олади ва ҳар бир ёш қалбида, албатта, муайян мақсад-муддао бўлишини тақозо қилади. Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида аниқ ва реал мақсадга йўналган ахборот маданиятини шакллантириш эҳтиёж, қизиқиш, шарт - шароит уйғунлигига асосланади. Бундай ахборот истеъмоли маданияти талабалардаги ижобий ахборот асосидаги тасаввур ва тушунчаларнинг бир бутунлиги ҳамда шу асосдаги дунёқарашни тўғри шакллантириш жараёнининг ҳосиласидир. Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборот истеъмоли маданияти тамойилларини тарбиялашнинг






асосий мақсади жамиятнинг йирик ижтимоий тарбия масканларида, хусусан ёшлар тарбиясининг муҳим объектлари ҳисобланган ўқув муассасаларида, шу қаторида глобал ахборот маконида талабаларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашига самарали ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилади[98]. Айни пайтда у:

- бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида хатарли ахборотга нисбатан иммунитетни ривожлантиришга шароит яратиш;
- интернет оламидаги ёт ғояларнинг зарарини намойиш этиш ва тушунтириш, ахборот профилактикасига доир тушунчалар ҳосил қилиш;
- ёт ғояларга мойилликнинг вужудга келиш сабабаларини тушуниш;
- ўз эътиқоди учун масъулиятни ошириш;
- турли хил ёмон иллатлар моҳиятини тушунтиришда ёшдаги ўзгариш даврларига алоҳида эътибор бериш ва бу борадаги ахборот тарбиясининг таъсирчанлигини таъминлаш;
- ахборотнинг маълум ёш босқичига мос бўлишига эришиш;
- ақидапарастликдан соғлом эътиқоднинг афзаллигини кўрсатиш асосида бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларига дунёвийлик даҳрийлик эмаслигини уқтириш;
- тарбиянинг интерфаол усулларини қўллаш;
- бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларининг асосий инсоний маънавий қадриятларни англаши ва ўзлаштиришига эришиш;
- бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида қарор қабул қилиш, танқидий фикрлаш, салбий муҳит таъсирига қарши туриш, ҳиссиётларини жиловлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, асосида медиа хуружларига нисбатан иммунитет хусусиятларини ўстириш;

-бузғунчи ва ёт ғояларни рад этишнинг афзаллигини ўсмирлар онгига сингдириш орқали уларда ўз-ўзини тарбиялаш туйғусини шакллантиш каби вазибаларни бажаришга хизмат қилади. Буларнинг барчаси, бир томондан бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатларни шакллантириш ниҳоятда муҳимлигини кўрсатади, иккинчидан эса, бу жараённинг самарадорлигини таъминлаш уларда ахборотлардан фойдаланиш ва уни қабул қилиш маданиятини ўстиришдаги долзарб вазибалардан бири эканидан далолат беради. Бу борада аввало, «таълим





муассасаларидаги факультетлар ва кафедралар, ахборот ресурс марказлари манбалари, матбуот, телевидение ва медианинг бошқа шаклларида ахборот тарбияси минбари сифатида фойдаланишни давом эттириш зарур. Ўз навбатида бу, бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш асосида уларни ахборот хуружларига қарши курашиш малакаларини ошириш механизмининг самарали ишлашига хизмат қилади»[154]. Мана шундай омиллар натижасида ахборот маданияти шакланган талабалар ўз олдига узоқ, ўрта ва яқин мақсадларни қўйиб, уларга эришишни ўрганадилар ва уларда шахсий ва жамият манфаатлари уйғунлигига асосланган дунёқараш шаклланади.


Бугунги кунда ҳилма-хил кайфият уйғотувчи ахборотлар орқали амалга оширилаётган ғоявий таъсирлар натижасида жамиятнинг ижтимоий дунёқарашига турли салбий ҳолатлар содир бўлмоқда. Ана шундай таҳликали вазиятни олдини олиш учун тезкор чоралар асосида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантириш учун масъул бўлган мутахассиснинг кундалик фаолият дастурига киритилиши лозим бўлган энг муҳим вазифасидир. Бизнинг фикримизча, ушбу қайд этилган муаммоларни ҳал этиш ишлари қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

-бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришда хорижий тилни ўргатувчи фанлар билан ижтимоий-гуманитар ва ахборот хавфсизлигига оид фанлар ҳамкорлигини яратиш;

- олий таълимда хорижий тилларни шрганувчи йўналишлар учун «Ахборотлар билан ишлаш» фанини ўқитиш ва бу орқали ҳаётга нисбатан оқилона ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ўқитишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш лозим;

-бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришнинг педагогик жараёнини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий-услубий материаллар билан тўла ҳажмда таъминлаш;

- олий таълим тизими талабаларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришнинг ягона концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида илмий-услубий ва амалий фаолият марказини ташкил этиш;





ISSN (E): 2181-4570

-таълим муассасаларида талабаларнинг ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришга оид анжуманлар, кўргазмалар, конкурслар ва бошқа тадбирларни тизимли равишда амалга ошириб бориш;

-талабаларнинг ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришга қаратилган таълим, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда кўргазмали воситалар, ўқув ва илмий адабиётларнинг аҳамиятини эътиборга олиб, махсус ахборот-ноширлик марказларини ташкил этиш;

-талабалар ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришга оид билимларни оширишда ижтимоий фанларни ўқитиш учун юқори малакали педагог кадрларни ҳамда замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Ахборот жамиятининг, унинг «лойихали» даврининг бошланиши, хусусан, бизнинг таснифимизда, ўтган асрнинг 50-йиларида АҚШ Савдо Департаментида пайдо бўлган, илк бор хизмат кўрсатувчиларнинг сони ишлаб чиқаришдаги кишилар сонидан ошиб кетганини қайд қилган статистик ҳисоботидан бошланган деб қабул қиламиз. «Жамият тараққиётининг янги аҳволи «постиндустриал» (Д.Белл), «технологик» (Ж.П.Грант), «дастурлаштирилган» (А.Турен), «постбуржуазия» (Ж.Литхайм), «воситачилик» (Ж.-П.Кантен), «постистеъмолчилик» (Д.Рисмен), «учинчи тўлқин», «суперсаноатчилик» (О.Тоффлер), «посткапиталистик» (Р.Дарендорф) ва ҳақ. Маданиятшуносликка оид истиқболни белгилаш даврининг йирик асарларида (Д. Белл, Дж. Нейсбит, О.Тоффлер, Ф.Фукуяма) инсон тараққиётининг оптимистик руҳдаги истиқболлари кенг маънода замонавий дунёда назарий билимлар, ахборот ва хизмат кўрсатишнинг етакчи роли билан боғлаб кўрсатилган»[107;125].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Zufarjonovna, J. G. (2022). USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 161-164.
2. Azimbayevna, D. G., & Vohidovna, X. X. (2021). FEATURES IN THE TRANSLATION OF MEDICAL TERMS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(11), 470-474.





3. Azimbayevna, D. G., Qizi, G. J. Z., & Vohidovna, X. X. (2021). Peculiarities Of Translating Medical Terms. Texas Journal of Medical Science, 2, 6-9.

4. Zufarjonovna, J. G. (2022). BENEFITS OF USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 158-160.

5. Жўраева, Г. З. (2022). БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ. BARQARORLIK VA YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(10), 235-238.

6. Qizi, J. G. Z. (2021). The effect of innovative methods in teaching English as foreign language.

7. Жўраева, Г. З. (2022). БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ. BARQARORLIK VA YETAKSHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(10), 235-238.

8. Oхоjonovich, A. S., & Usmoilovich, A. Y. (2022). About the Problems of Language Teaching to Little Children. International Journal of Culture and Modernity, 14, 30-34.


9. Abdiloyev, S. O. (2022). Nemis tili darslarida frazeologizmlardan foydalanishning innovatsion usullari. Архив научных исследований, 2(1).

10. Oхоjonovich, A. S. (2022). On the General Associative Aspects of Allegoric Symbols. Spanish Journal of Innovation and Integrity, 6, 424-428.

11. Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Aristocrats Sympathetic to Heine. International Journal of Formal Education, 1(10), 40-43.

12. Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Symbol of the Paris of Inspiration. International Journal of Formal Education, 1(11), 17-20.

13. Умаржонова, Г. М., & Абдиллоев, Ш. О. (2022). НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “HAND”-“ҚЎЛ” КОМПОНЕНТЛИ СОМАТИК





ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СТРУКТУР-ГРАММАТИК
ТАҲЛИЛИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY
JURNALI, 2(10), 226-231.

14. Oxonjonovich, A. S. (2022). GERMAN PHRASEOLOGICAL UNITS WITH A ZOONYM COMPONENT. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(11), 239-244.

15. Oxonjonovich, A. S. (2023). Peculiarities of Semantics of Phraseological Units with Zoonyms. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 17, 98-102.

16. Sotvaldieva, H. M. (2021). Using proverbs as A lead-In activity in teaching english as A Foreign Language. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(11), 159-163.

17. Sotvaldieva, H. M. (2020). ENGLISH PROVERBS AS A MEANS OF EXPRESSING PEOPLE'S WISDOM, SPIRIT AND NATIONAL MENTALITY. Theoretical & Applied Science, (2), 601-604.

18. Musinova, S. H., & Tadjibaeva, M. A. (2021). STRUCTURAL AND SEMANTIC CHARACTERISTICS OF PROVERBS. Евразийский Союз Ученых, (1-4 (82)), 22-25.


19. Sotvoldiyeva, H. M. (2019). STRUCTURAL AND SEMANTIC CHARACTERISTICS OF PROVERBS. Мировая наука, (9), 53-56.

20. Сотвалдиева, Х. М., & Дадамирзаева, Н. (2018). Синтаксическая структура английских пословиц. Молодой ученый, (44), 306-307.

21. Musinova, S. H., & Mirxamidova, M. G. (2022). Proverbial Units in Uzbek, English and Russian. International Journal of Formal Education, 1(10), 18-21.

22. G Umarjonova. (2022) [Functional content of phraseological units with the component "hand "–"қўл" in german and uzbek](#). Oriental Journal of Social Sciences 2 (04), 84-92.

23. G Umarjonova. (2021) [SEMANTIC CLASSIFICATION OF THE PHRASEOLOGICAL UNITS WITH THE COMPONENT "HAND-ҚЎЛ" IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES](#). THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука ..., 676-679.





ISSN (E): 2181-4570

24. ГМ Умаржонова. (2023) [ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ЛУФАТИНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ](#). BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI 3 (2), 447-450.
25. GM Umarjonova. (2023) [CLASSIFICATION OF GERMAN LINGUISTS BY PHRASEOLOGICAL UNITS](#). Open Access Repository 4 (2), 595-600.
26. Muratovna, Y. Z. (2021). Modern Interpretation of Language Modal Structure. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(10).
27. Muratovna, Y. Z. (2020, November). EXPRESSION OF EMOTION IN MIMIC MODE. In Archive of Conferences (Vol. 9, No. 1, pp. 145-147).
28. Muratovna, Y. Z. (2022). ADVERTISING AND ITS TYPES (COMPARING THE GERMAN AND UZBEK LANGUAGES). Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(10), 620-623.
29. Muratovna, Y. Z. (2022). EXPRESSION OF EXPRESSION IN ADVERTISING TEXTS (COMPARED TO UZBEK AND GERMAN). Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(10), 686-690.
30. Yigitalieva, Z. (2022, March). ANALYSIS OF TEXT CONCEPTS. In E Conference Zone (pp. 1-3).

